


Meros

№ 2/2024

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

ПРОФЕССОР АШРАФ АҲМЕДОВНИНГ 85 ЙИЛЛИГИ

Ҳасанов М. Кетди (Марсия) 3
Каримова С. Илмга бахшида умр 4
Абдуллаев Б., Куранбаева У. Профессор Ашраф Аҳмедов китоблари 10
Hogendijk J. Professor Ashraf Akhmedov and the Qanun Mas‘udi of Abu Rayhan Biruni 15
Demirci M. Al-Bīrūnī’s Contribution and Leading Role to Historical Criticism in Islamic Historiography 27
Жуманазаров А. Ғиёсиддин Жамшид Кошийнинг давомчиси 43
Куранбаева У. Абу Райҳон Берунийнинг “Фиҳрист”ига кирмаган асарлари хусусида 56
Каримова С., Ибрагимов Ф., Куранбаева У. Абу Райҳон Беруний илмий меросини ўрганишда замонавий технологиялар 66
Бўриев О., Фаромарз Ф. Фарғоний илмий меросида географик билимлар 79
Ибрагимов Ф. “Кичик тиб қонуни” амалий қўлланма сифатида 92

Bagheri M. A Newly Found Letter of Al-Kashi on Scientific Life in Samarkand 102
Абдуллаев Б. “Зижи жадиди Гурагоний” – Мирзо Улуғбек академиясининг энг муҳим ютуғи 123
Абдухалимов Б. Из Самарканда в Стамбул: Али Кушчи и выставка его рукописных коллекций 130

ТИЛШУНОСЛИК
Нурутдинов Ҳ.
“Элчи”, “элчилик” атамаларининг тадрижий тараққиёти тарихидан 138
Salimova Z. Turk va o‘zbek tillarida fitomorf birliklar orqali inson obrazining ifodalanishi 164

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2024 йил 4 ноябрдаги 9-мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия этилди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)
Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)
Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)
Акрам Ҳабибуллаев
(АҚШ, Инглиз тили муҳаррири)
Роиқ Баҳодиров
Омонулло Бўриев
Дагели Жанин (*Германия)*
Абдусаттор Жуманазаров
Зоҳиджон Исломов
Одил Қориев
Аширбек Мўминов *(Туркия)*
Дурбек Раҳимжонов
Ўктамбек Султонов
Нурёғди Тошов
Аҳад Ходжаев
Дилором Юсупова
Санжар Ғуломов
Маҳмуд Ҳасанов

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон*: (8 371) 262-54-61,*
Факс*: (8371) 262-52-77*
E-mail*: beruni1@academy.uz*

08.09.2025 йилда босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими 70x100 $^{1}/_{16}$. “Times New Roman” гарнитураси. Шартли босма табоғи 11. Адади 100 нусха. Буюртма рақами №: --. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриётида нашр этилди.

А. ЖУМАНАЗАРОВ

ҒИЁСИДДИН ЖАМШИД КОШИЙ ДАВОМЧИСИ

Давралар чўғи

Давраларнинг энг файзли ва шарафлиси илм суҳбатидан ташкил бўлганидир. Ер юзидаги барча эллар қавмларидан чиққан улуғлари ишлари билан дунё маданиятида юксак ва фахрли ўринларда туришдан умидвор бўладилар. Бу борада Турон аҳли жуда омадлидир. Бугун Муҳаммад ибн Муса ал-Хоразмий (783–850), Абу Наср Фаробий (870–950), Имом Бухорий (810–870), Абу Райҳон Беруний (973–1048), Ибн Сино (980–1037) сингари илмнинг турли соҳаларида дунё фани, маданияти тараққиётига улкан ҳисса қўшган яна минглаб олиму ижодкор аждодларимиз ҳақида оилалар, тўртармоқ (интернет), телевидения ва матбуот саҳифаларида ҳар куни сўз юритилади. Мамлакат ва дунё миқёсида уларнинг ҳаёти, маънавий мероси тадқиқига бағишланган илмий анжуманлар ўтказилиши анъанага айланди, қизғин илмий баҳс-мунозаралар давом этмоқда. Бу маърифий жараёнларнинг қоқ марказида қарийб ҳамиша Ўзбекистон олимлари ва ижодкорлари туради. Улардан бири ўзбек илм-фанининг давримиздаги забардаст вакили, аждодлар маънавий мероси билимдони ва тарғиботчиси, таниқли шарқшунос устоз Ашраф Аҳмедовдир. У киши ҳар қандай давранинг чўғи эди. Бу инсон иштирок этган бирор суҳбат зерикарли бўлганини эслай олмайман. Домла билан чорак аср (1998–2024) Шарқ халқлари фани ва маданияти тарихини ўрганиш, тарғиб қилиш йўналишида ёнма-ён ишладик. Табиатидаги самимият ва илми уни давралар чўғига айлантирарди.

Ушбу мақолада ўзбек миллатининг кўҳна асрларга туташ бой маданий-маънавий меросини бугунги авлод ва дунёга танитиш учун умри бўйи ҳормай-толмай хизмат қилган ҳамда бизга қадрли бўлган шу инсон ҳаётидан бир воқеа лавҳасини тақдим этишга уриндик.

Деворда осиғлик суҳбат

Ашраф Аҳмедов 1939 йилнинг 29 ноябрида Тошкентда ишчи оиласида дунёга келган. Отаси Аҳмаджон ака меҳнат қилиб топган

ҳалол ризқ билан оиласини тебратарди. У оддий ишчи эди. Отаси Тошкентнинг илмли кишиларидан бўлган экан. Аҳмаджон ака зиёли оилада тарбияланган, ўз даврида арабий имлони ҳам жуда яхши ўзлаштирган эди. Оила давраси, маҳалла аҳли томонидан уюштириладиган турли тадбирларда тез-тез бўлиб турадиган қиссахонлик кечаларида араб ёзувидаги “Абу Муслим”, “Бобо Равшан”, “Минг бир кеча” каби туркийдаги кўплаб машҳур асарларни минг йиллар қаъридан ўтиб келаётган кўҳна оҳангларда ўқиб бераркан. У пайтларда бундай тадбирларнинг одамларга таъсири ҳозирги телевидения, тўртармоқ ва матбуотникидан кам бўлмаган. Ҳатто таъсири ва фойдаси ортиқроқ, кучлироқ эди. Қиссахонликнинг охирги давраларини биз ҳам кўришга муяссар бўлганмиз.

Ашраф Аҳмедов шундай муҳитда вояга етгани суҳбатларида ҳам ярқ этиб сезилиб қоларди. Қадимги дунё ҳақида гап бошлангудай бўлса, бу тўғрида айтиладиган сўзларнинг барчаси кўп вақтлардан бери фурсат кутиб, шу одамда йиғилиб тургандай туюла бошларди. Аслида ҳам шундай бўлса керак... Бутун вужуди воқеа ифодасида фаол иштирок этарди. Ҳатто юзлар ҳам ҳаракатга тушарди, кўзларда бирдан ўт чақнарди, гавда такбир айтаётган дарвеш танасидек чайқаларди. Улар таъсирида атрофдагиларда барча ҳаракатлар тўхтарди. Ўртага жимлик чўкар, ҳеч ким қилт этмасди. Бирдан олдинги асрларнинг бирида Василий Перов деворга осиғлиқ қолдириб кетган машҳур “Овчилар гурунги” тасвирига жон киргандай бўларди. Бу ҳолат кўп марта такрорланган. Буни домланинг яқин суҳбатдошлари ҳозиргача жуда яхши эслайди. Гоҳида илмий мавзулар, тадқиқотлар ё бирор масала юзасидан бўлаётган муҳокамаларда ҳам шу ҳодиса содир бўларди.

Коший ва Коши

Бу воқеани Ашраф ака бир неча марта айтиб берганди: “Ўқувчилик чоғларимда адабиёт, тарих ва яна баъзи фанларга негадир эътиборсизроқ бўлган эканман. Математикадаги бутун ва каср сонлар, масалалар ечимлари, формулалар, тенгламаларга қизиқишим кучли эди. Уларнинг дунёсига шўнғиб кетардим. Игрик, икс ўқларида

парабола ва гипербола каби чизиқли ғаройиб манзараларнинг сонлар орқали ҳосил бўлиши мени “авраб”, домига тортиб кетарди. Улар туфайли кунларимда бўш вақтим бўлмасди. Уларнинг таъсирида ахийри, мактабдан тўғри ТошДУга [1] бориб, физика-математика факултетига ўқишга кирдим. Шаҳар оралаганимда йўлимда китоб дўкони учраб қолса, кирмасдан ўтмасдим. Эсимда, 1957 йилнинг кузида дўкондан М.Я. Вигодскийнинг “Справочник по элементарной математике” (“Бошланғич математика бўйича қўлланма”) деб номланган қалин китобини сотиб олдим. Унинг сонларга бағишланган бўлимида рим, славян ва араб рақамларининг қисқача тарихи келтирилиб, Муҳаммад ал-Хоразмий араб тилида ижод қилган **ўзбек математиги** деб кўрсатилган экан [5: 63]. Уни ўқиб ҳайратландим, менда “бугунги дунё математикасига ўзбеклар асос солган экан-да”, деган тасаввур пайдо бўлиб, бу “кашфиёт” кайфиятимни кўтариб юборди.

Ёш талаба эдим. Қрим татарларидан Ҳожимуллаев деган домламиз бор эди. Бир куни “матанализ”(математик анализ)дан дарс ўтаётиб, нутқида “Коши теоремаси” деб аталган иборани қўллади. Маърузаси тугагач: “Коши дедингиз, у ўзимизнинг Жамшид Кошиймасми?” деб сўрадим. Домла негадир саволимни ёқтирмаганини яширмай: “Йў-ўқ, у француз математиги”, деди.[2] Бу қисқагина савол-жавоб ва домланинг муносабатидан менинг кўнглимга ҳам ёқимсиз ғашлик оралади. Аммо М.Я. Вигодский “справочник”да Муҳаммад ал-Хоразмийни **ўзбек** деб ёзгани [5: 210], юртимизда яна Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбекдек олимлар бўлгани ва улар тўғрисида маълумотлар жуда камлигини эслаб, тинчимни йўқотардим. Домла айтган ўша француз математиги Коши сабабли, Жамшид Кошийни тарихдан қидиришга киришиб кетдим. Назаримда, худди шу воқеа туфайли аниқ фанлар тарихи соҳасига илк қадамимни қўйган эканман. Аста-секин Муҳаммад ибн Муса ал-Хоразмий (783–850) ёнида Аҳмад ал-Фарғоний (798–861), Қозизода Румий (1364–1437), Ғиёсиддин Жамшид Коший (1380–1429),

[1] Ҳозирги Тошкент Давлат Миллий университети.

[2] Тарихда ҳақиқатдан ҳам Агйустин Луиз Коши (1789–1857) исмли француз математиги ўтган. Париждаги Эйфил минорасининг биринчи қаватида Франциянинг буюк олимлари қаторида унинг исми ҳам ёзилган. Коши, Огюстен Луи. https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%9A%D0%BE%D1%88%D0%B8

Мирзо Улуғбек (1494–1449) каби олимларнинг буюк илмий мероси, улкан маънавий хазинасига чинакам дуч келдим. Бироқ бунинг учун кўп йиллар кечани кеча, кундузни кундуз демай, тер тўкиб, тинимсиз меҳнат қилишимга тўғри келди. Бир математик шу тариқа тарихчига айланиб қолганини ўзим ҳам сезмай қолибман”[1].

Домланинг ҳаётида кечган бунга ўхшаш кўп қизиқарли воқеаларни ҳамкасбларимиз Бахтиёр Обидов, Исроил Элмуродов билан кичик даврамизда кўп эшитганмиз. Ашраф Аҳмедовни катта илм оламига Муҳаммад ибн Муса ал-Хоразмий ва Ғиёсиддин Жамшид Коший қўлидан етаклаб олиб келган деб ҳазиллашардик. Биз бу лавҳада қадимий Турон маданияти тарихи ҳудудига олиб борувчи илм сўқмоғига бир ёш йигитнинг қандай кириб қолганини кўрардик.[2]

Ашраф Аҳмедов 1963 йили ТошДУнинг механика-математика факултетини тугатиб, ҳарбий хизматга кетади. 1965 йили ўзи ўқиган мазкур университет аспирантурасига киради ва математика фани тарихи бўйича илмий изланишларини бошлаб юборади. Қилаётган ишларидан роҳатланганини бот-бот таъкидларди. Юқорида ҳикоя қилинган Жамшид Коший воқеаси сабаб бўлиб, университетнинг Шарқшунослик факултетида ташкил этилган икки йиллик араб тили курсида ҳам таълим олади. Форс ва турк тилини мустақил ўрганади.

1970 йили “Геометрияни асослашда Шамсиддин Самарқандий-нинг (XIII аср) “Ашкал ат-таъсис” асари аҳамияти” [3] мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлайди.

Бу муаллиф ҳам аждод олимларимиздан эди. Бирламчи манбаларда тўлиқ исми Шамсиддин Муҳаммад ибн Ашраф ал-Ҳусайний ас-Самарқандий, деб ёзилган. Шарқшунос К. Броккелман (1868–1956) кўрсатишича, у 690/1291 йилларгача ҳаёт ҳаёт кечирган. Бироқ Ҳожи Халифа (1609–1657) унинг вафотини ҳижрий 600 йил (1204) деб қайд этган [12: 72].

Шамсиддин Самарқандий замонасида риёзиёт, ҳандаса, фалакиёт ва фалсафа каби илмлар билимдони бўлган. Бу фанларга оид бир

[1] Дўстларнинг давра суҳбатида айтганлари.

[2] Мақола матни тайёр бўлганда домла “Тафаккур” журнали ходими билан суҳбатида ҳам шу воқеани сал бошқачароқ айтиб бергани учради.

[3] Русчада «Геометрический трактат «Ашкал ат-таъсис ас-Самарканди и его роль в истории обоснования геометрии», ўша даврда илмий тадқиқотлар рус тилида амалга оширилиши талаб қилинган.

қанча илмий асарлар ёзган. Унинг “Ашкал ат-таъсис фи-л-ҳандаса” (“Математика асослари”) номли китобида Иқлидус (милоддан олдинги 325–265)[1] асаридан ўттиз бешта геометрик чизмани шарҳлаб, таҳрир қилган. Ўзбекистон Республикаси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти (ЎзР ФА ШИ) қўлёзмалар хазинасида бу асарнинг бир нечта нусхаси бор. Улардан бири №3055 рақами билан сақланади. У “Таҳрир Иқлидис” (“Иқлидусга тузатиш”) ва “Ашкал ат-таъсис фи-л-ҳандаса” (“Математика асослари”) номлари билан аталади. Асар араб тилида настаълиқ хатида ёзилган, ҳажми 35 варақ, ўлчами 18x12 см, сатрлари 21 қатор, геометрик шакллар қизил буёқда чизилган. Матнда хаттот исми ва кўчирилган йили қайд қилинмаган.

Мазкур асарнинг яна бир нусхаси қўлёзмалар хазинасида №3373/III рақами билан сақланади [1: 39].

Қозизода Румий бу асарни шарҳлаб “Шарҳ ашкал ат-таъсис фи-л-ҳандаса” (“Математика асослари” шарҳи) номли китобини ёзган. Бу шарҳ 1851 ва 1857 йилларда Истанбулда икки марта нашр қилинган. Мазкур икки нашр нусхалари ҳам Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

Шамсиддин Самарқандийнинг “Рисола фи одоб ал-баҳс” (“Баҳс одоби ҳақида рисола)” номли мантиққа оид яна бир асари қўлёзмалар хазинасида 8157/XII рақами билан сақланади. Ҳижрий 830 (1427) йил атрофида Қутбиддин Гилоний, 840 йили (1436) Масъуд ибн Ҳусайн аш-Ширвоний ар-Румий[2] (1376–1468) ва яна ўндан ортиқ олим унга шарҳлар ёзган [1:40].

Юқорида айтиб ўтилганлардан ташқари Шамсиддин Самарқандий мантиқ илмига оид “ал-Қустос” (“Тарози”), “Китаб ас-саҳоиф” (“Саҳифалар китоби”) ва “Айн ан-назар фи-л-мантиқ” (“Мантиқ илмида узоқни кўриш”) каби асарлар таълиф этган.

Коший, Коши, Ҳожимуллаев ва талаба Ашраф Аҳмедов иштирок этган қисқагина бир суҳабатдан Ўзбекистонда ўзбек тилида бирин-кетин илмнинг улкан воқеалари олис тарих қаъридан қад кўтариб, ўзларини кўрсата бошлаганди. Ашраф ака бу ҳодисани “Ғиёсиддин Жамшид Коший шарофати” деб атар эди.

[1] У дунё илм-фанида Эвклид номи билан машҳур бўлган юнон математиги эди.

[2] У Мирзо Улуғбек Самарқандда ташкил этган академия вакиллари билан яқин алоқада бўлгани ҳақида маълумотлар сақланиб қолган.

Муҳаммад ал-Хоразмий ва Ашраф Аҳмедов

Уларни таништирган яна М.Я. Вигодский бўлиб чиқди. Ростдан ҳам у юқорида зикр этилган асарида Муҳаммад ал-Хоразмийни **ўзбек математиги** деб атаган. Худди шу сатрлар ёш талаба Ашраф Аҳмедовга фахр берган, руҳлантирган, шижоат бағишлаган. Мана Сўзнинг қудрати! «Ашкал ат-таъсис» асари тадқиқи домлага жуда фойдали тажриба вазифасини ўтаганди. Бу пайтда у азалий сир-синоатлар билан тўлиб-тошган шиддатли ва чек-чегарасиз илм оламига кириб бўлганди. Уни бу ҳудудда энди математика фанининг отаси Муҳаммад ибн Муса ал-Хоразмий кутиб турганди.

Бу лавҳа ҳикояси номини “Хоразм ва Ашраф Аҳмедов” деб атаб ҳам кўрдим. Бундай қилинса, воқеа кўлами бир кичик лавҳага сиғмай қоларкан. Хоразмда минглаб олиму адибларнинг узун сафини кўриб, мавзуни кичрайтириб, бирдан чегаралаб олишга мажбур бўлдим. Айни пайтда ўрта асрларда Хоразм маърифий-маданий ҳаёти ривожида таълим тизими ва мадрасаларнинг (олий ўқув юртлари) тутган ўрни мавзусида ишлаётгандим. Муҳаммад ал-Хоразмий ва Ашраф Аҳмедов ҳам мадрасалар, Хоразм маърифий ҳаёти тарихи билан боғлиқ воқеалар орасида ҳам ёнма-ён кўрина бошлади. Шундай қилиб, энди бу икки ўз даврларининг буюк олимлари ўртасидаги тарихий алоқага қисқача тўхталамиз.

Ашраф Аҳмедов ҳаётида кечган воқеалар барчаси унинг яшашга чанқоқлигидан дарак беради. У Шамсиддин Самарқандийнинг “Ашкал ат-таъсис” асари тадқиқидан сўнг, буюк математик Муҳаммад ал-Хоразмий ижодини ўрганишга жиддий бел боғлайди. У ишни ўқувчига: “Олимнинг тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Муса ал-Хоразмий ал-Мажусийдир”, деб таништиришдан бошлайди [6: 8].

Муҳаммад ал-Хоразмийнинг баъзи асарлари Оврупода XII асрдаёқ лотинчага ўгирилиб бўлганди. Кейинги даврларда улар дунё миқёсида кенг кўламда ўрганилиб, жаҳон математика фанини ривожлантиришда шу соҳанинг энг муҳим асосларидан бири сифатида фойдаланилди. Олим асарларининг илмий аҳамияти кўлами аслида, Ашраф аканинг “бугунги дунё математикасига ўзбеклар асос солган экан-да”, деб ҳайратланиб, хурсанд бўлганидан ҳам ортиқроқ ҳодиса эди.

Биз учун энг эътиборлиси, Ашраф Аҳмедов тадқиқоти жараёнида олимнинг “Алгоритми”[1] (“Арифметика”) [7: 12, 57–75], “Ал-Жабр ва-л-муқабала” (“Алгебра”) [8: 75–110], “Васиятлар китоби”[2] [9: 110–173], “Зиж ал-Хоразмий” (“Хоразмий зижи”) [10: 173–200], “Сурат ул-арз” (“Ер тузилиши”) [11: 292–366] асарларини илк бор ўзбек тилига таржима қилиб, “танланган асарлар” туркумида нашр қилдирганидир. Улардан ташқари домла мазкур нашрда “Хоразмийнинг эралар ҳақидаги рисоласи” [4: 209–217], “Хоразмий ва география фани” [5: 225–292] деб номланган ўзининг тадқиқотларини ҳам шу жилдга қўшиб чоп эттиради. Бу ҳақиқатдан ҳам бир неча асрлардан бери ҳали ўзбек халқи тарихида мисли кўрилмаган фавқулодда амалга оширилган бир йирик иш эди. Уни Ғиёсиддин Жамшид Коший катта илм соҳасига қўлидан етаклаб киритган ўша талаба, “ёш йигитча” – бизнинг кичкина даврамиз қаҳрамони домла Ашраф Аҳмедов бажарганди. Муҳаммад ал-Хоразмийнинг мазкур “танланган асарлар” туркумида ўзбек тилида чоп қилинган китоби ҳажми 472 бет, 1100 нусхада чоп қилинган. Бироқ у тадқиқотчилар ўрганиб қолганидек бир неча жилддан иборат эмас. Унга муаллифнинг бир нечта танлаб олинган асари киритилгани сабабли шундай номланган. Китоблар ўн, қирқ минглаб нусхада ва қайта-қайта нашрдан чиқиб турган ўша давр учун албатта, бу жуда-жуда кам эди. Мамлакатда фақат, олий ўқув юртлари ва мактаблар кутубхоналарига биттадан тарқатилганда ҳам етмасди. Бундай ҳолат бугунги кунда ҳам давом этаётгани афсусланарлидир. Ҳолбуки, Муҳаммад ал-Хоразмий асрлар оша дунёда энг машҳур олимлар қаторида турганига қарамай, юртида ўз авлодлари уни керагича билишмасди. Ўтган асрнинг охирги чорагидаги дарсликларда у ҳақидаги маълумотлар адашмасам, бир бетга ҳам етмасди.

Бир пайтлар яна бир ҳурматли ва қадрли олимимиз академик Убайдулла Каримов ижодий фаолиятига қизиқиб, у киши рус тилига таржима қилиб нашр эттирган Абу Райҳон Берунийнинг «Сайдана» асарини ҳам ўқиб чиққандим [4: 1–1120]. Бу иш менда чексиз ҳайрат қўзғаганди, уни бугунги тадқиқотчилар учун қандай ишлаш

[1] Унинг арабча номи сақланиб қолмаган, лотинчада шу кўринишда келтирилган.
[2] Ашраф Аҳмедов бу асарнинг арабча номини кўрсатмай, бирдан таржимага киришиб кетган.

кераклигини кўрсатувчи «мукаммал ибрат намунаси» деб атагандим. Афсуски, Убайдулла Каримов “Сайдана фи-т-тиб”нинг [1] ўзбекча таржимасини охирига етказишга улгурмаган. Ашраф Аҳмедовнинг Муҳаммад ал-Хоразмий асарлари таржимаси, унга ёзган изоҳлари, махсус тадқиқотлари ва “Сайдана” нашри шууримда ихтиёримсиз таққосланаверди. Меҳнат, машаққат, сабр, илм, масъулият, истак ва шиддат икки тадқиқотчида яқинлиги, жуда ўхшашлиги кўзга ташланаверди. Бу қиёс Ашраф Аҳмедовнинг мазкур иши илмий аҳамияти ва маънавий салмоғини аниқроқ тасаввур қилишимга ёрдам берди.

Домла ушбу асарларни хориж нашрлари ва қўлёзма нусхалари асосида ўзбек тилига таржима қилган. Аммо Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида уларнинг бор ё йўқлиги ҳақида фикр билдирмаган экан. Бу ҳолат бироз таажжублантирди. Ушбу мақола ёзилиши жараёнида текшириб кўрганимизда қўлёзмаларнинг асосий хазинасида “Рисолат ал-жабара ва-л-муқабала” (“Алгебрага оид рисола”) номли асар учради. У №2022/X рақамида сақланади, муаллиф исми кўрсатилмаган, араб тилида сулс хатида ёзилган, ҳажми 15 варақ (115*а*–128*б*), ўлчами 15,5x12,5 см, сатрлари 15 қатор, хаттот Маҳмуд ибн Ҳабиб томонидан ҳижрий 677 йили зулҳижжанинг 21-куни (1279 йил 5 май) Кирмон вилотяида кўчирилган. Бу қўлёзма асар қадимда Хожа Муҳаммад Порсо кутубхонасига тегишли бўлган.

Худди шу номда яна бир қўлёзма №3275/II рақами билан сақланади, матнда унинг ҳам муаллифи қайд этилмаган, араб тилида насх хатида ёзилган, ҳажми 49 варақ (79*а*–117*б*), ўлчами 17x14 см, сатрлари 14 қатор, нуқсонли матннинг боши ва охири йўқолган.

Институт қўлёзмалар хазинасида худди шундай ва ўхшаш номдаги яна олтита асар борлиги аниқланди. Уларнинг айримлари муаллифи ўрнида бошқа шахс исми келтирилган, баъзилари шарҳлар экан. Улар Муҳаммад ал-Хоразмийнинг “Рисолат ал-муқабала” асари матни билан қиёсланиб ўрганилса, бу мавзуга оид тадқиқотчи ё ўқувчида пайдо бўладиган айрим шубҳалар бартараф қилинарди. Улар Хоразмийдан олингани ё таъсирланиб ёзилгани ҳам ойдинлашарди.

[1] Тиб соҳасида доришуносликка оид бу асар фанда «Фармакогнозия» номи билан машҳурдир.

Муҳаммад ал-Хоразмийнинг “Танланган асарлар” туркуми нашрида негадир китоб сарлавҳасидан кейинги расмий маълумотлар жойлаштириладиган саҳифада таржима ва илмий изоҳлар муаллифи номи кўрсатилмаган. Бу ҳолат нашр қоидасига зиддир. Ўқувчи фақат, Ашраф Аҳмедовнинг ушбу нашрга ёзган илмий мақолаларидан асарлар таржимони ким эканини билиб олади. Бу китоб чоп этилиши учун машҳур математик академик Саъди Сирожиддинов (1920–1988), ўша пайтда академия мухбир аъзолари Убайдулла Каримов (1920–1997) ва Музаффар Хайруллаев (1931–2004) масъул муҳаррирлар бўлган. Улар том маънода Ашраф Аҳмедов домланинг устозлари ҳам эди. “Танланган асарлар” таржималари ва тадқиқи пухта бажарилишида уларнинг ҳам катта ҳиссаси борлиги матнларда сезилиб туради.

Ҳозирги кунларимизда баъзи шошқалоқ ёш олимлар руслар босқинига қадар Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад ал-Хоразмий каби баъзи аждодларимиз илмий мероси билан туркистонликлар қизиқмаган ва билмаган, деб тўртармоқларда маъруза қилиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Бундай чала ва зарарли ахборотлар омма орасида кенг тарқалиб ва қаттиқ ўрнашиб олмаслиги учун аждодларимиз ёзма меросини мукаммал ўрганишни йўлга қўйиш, мақолалар ва китобларни кўпроқ нусхаларда мунтазам чоп қилиш муҳимлиги яққол кўринади.

Яқин ойларда “Хива таълим тизими ва мадрасалари тарихи”га бағишланган тадқиқот белгиланган тартибда якунланиш арафасида турибди. Унда XVI–XX аср биринчи чораги оралиғида Хива шаҳри ва туманида юздан ортиқ илмий даражаси фарқ қиладиган турли олий тоифадаги мадрасалар фаолият юритгани аниқланди. Уларнинг барчасида фиқҳ илми ва унинг ажралмас қисми “Фароиз” (“Мерос тақсимлаш”), ер ва оғирлик ўлчовлари каби ҳисоб-китоблар мукаммал математика асосларида олиб борилгани маълум бўлди. Туроннинг Бухоро, Самарқанд, Насаф ва бошқа ҳудудларида ҳам худди шундай манзарага дуч келамиз. Бу минтақаларда арифметика, алгебра, геометрия фанлари айнан Муҳаммад ал-Хоразмий VIII–IX асрларда дунё фанига олиб кирган рақамлар ва математик ҳисоблаш усулларида олиб борилган. Мадрасаларда улар албатта ўқитиларди. Бу соҳа илмларини ўзлаштиргангина давлатнинг масъулиятли бошқарув ишларига тайинланарди.

Ашраф Аҳмедов умрининг охиригача Хоразмдан узоқлашмади. Ўтган асрнинг охирларида, 1997 йилдан X–XI асрларда фаолият

юритиб, дунё илм-фани тараққиётига улкан туртки берган қадимий Хоразм Маъмун академияси фаолияти орадан салкам минг йил ўтиб, яна тикланди. Шу жараёнда домла бу қутлуғ илм даргоҳининг Беруний сингари залворли юкни елкасига олган асосий олимларидан бири бўлиб, маърифат майдонига тушди.

Муҳаммад ал-Хоразмийнинг “Танланган асарлар” деб номланган таржима монография нашри амалга оширилгач, Ашраф Аҳмедов 1986 йили “Муҳаммад ал-Хоразмий илмий меросининг фан ва маданият тарихидаги ўрни”[1] мавзусида докторлик ишини муваффақиятли ҳимоя қилганди. Бу иш олимнинг ўзбек халқи шарафи юксалишига қўшган ҳар қандай таҳсинга сазовор ва юксак мукофотга муносиб буюк хизматларидан бири эди.

Ғиёсиддин Жамшид Коший ва Коши воқеасини Ашраф Аҳмедов домланинг қуйидаги сўзлари тугаллаб беради: “Мен ҳам математик, ҳам шарқшунос тарихчиман. Убайдулла Каримов ва Павел Булгаков ҳам шундай олимлардан эди. Дейлик, Убайдулла Каримов бўлмаганида, Берунийнинг “Сайдана”сию Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” таржимаси ўша замонда амалга ошармиди… Ким билсин, худо мени араб ва форс тилларини ўрганишга йўлламаганида, Берунийнинг “Қонуни Масъудий”си, Хоразмийнинг “География”си, Улуғбекнинг “Зиж”и таржимаси ҳам ёруғ дунёни қачон кўрарди… Тўғриси, таржимаи ҳоли бизникига ўхшашлар жуда кам” [13].

Аммо улар бор. Замона улуғларини таниш, билиш учун китобларни танлаб-танлаб ўқиш керак. Бу бугунги жамиятдаги ҳаммага тааллуқли гап! Ушбу мақолада кичик бир воқеа қандай қилиб домла Ашраф Аҳмедов Ўзбекистон ва дунёнинг таниқли олимларидан бирига айланишига туртки бўлганини кўрдик. Юқорида зикр этилган ҳар бири салмоқли ва фойдали илмий ишлар, орамизда аслида ўзбек илм-фанининг ҳақиқий бир академиги яшаб ўтганини кўрсатмоқда. Домланинг бошқа залворли тадқиқотлари ҳам кўп, уларга алоҳида тўхталиш талаб этилади.

[1] Бу илмий иш ҳам рус тилида бажарилган ва «Научное наследие ал-Хорезми и его место и роль в истории науки и культуры» деб номланган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуллаев И., Ҳикматуллаев Ҳ. Самарқандлик олимлар. – Тошкент, 1969.
2. Аҳмедов А. Хоразмийнинг эралар ҳақидаги рисоласи / Муҳаммад ибн Муса ал-Хоразмий. Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчи Ашраф Аҳмедов. – Тошкент, 1983.
3. Аҳмедов А. Хоразмий ва география фани / Муҳаммад ибн Муса ал-Хоразмий. Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчи Ашраф Аҳмедов. – Тошкент, 1983.
4. Абу Райхай Беруни. Фармакогнозия (Китоб ас-сайдана фи-т-тибб) / Исследование, перевод, примечания и указатели У.И. Каримова. – Ташкент, 1973.
5. Выгодский М.Я. Справочник по элементарной математике. – Москва, 1954.
6. Муҳаммад ибн Муса ал-Хоразмий. Танланган асарлар. / Нашрга тайёрловчи Ашраф Аҳмедов. – Тошкент, 1983.
7. Муҳаммад ибн Муса ал-Хоразмий. Арифметика / Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчи Ашраф Аҳмедов. – Тошкент, 1983.
8. Муҳаммад ибн Муса ал-Хоразмий. Алгебра / Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчи Ашраф Аҳмедов. – Тошкент, 1983.
9. Муҳаммад ибн Муса ал-Хоразмий. Васиятлар китоби / Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчи Ашраф Аҳмедов. – Тошкент, 1983.
10. Муҳаммад ибн Муса ал-Хоразмий. Хоразмий зижи / Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчи Ашраф Аҳмедов. – Тошкент, 1983.
11. Муҳаммад ибн Муса ал- Хоразмий. Сурат ул-арз / Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчи Ашраф Аҳмедов. – Тошкент, 1983.
12. Огюстен Луи. Коши // https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0
13. Собрание восточных рукописей. Т.XI. – Ташкент, 1987.
14. https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/amir-temur-ashraf-ahmedov.html

А. ЖУМАНАЗАРОВ

ҒИЁСИДДИН ЖАМШИД КОШИЙ ДАВОМЧИСИ

Ер юзидаги барча эллар дунё маданиятида юксак ва фахрли ўринларда туришдан умидвор бўладилар. Бу борада Турон аҳли жуда омадлидир. Бугун Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Коший сингари илмнинг турли соҳаларида дунё фани ва маданияти тараққиётига улкан ҳисса қўшган олиму, ижодкор аждодларимиз ҳақида оилалар, интернет, телевидения ва оммавий матбуот саҳифаларида ҳар куни сўз юритилади. Мамлакат ва дунё миқёсида уларнинг ҳаёти, маънавий мероси тадқиқига бағишланган илмий анжуманлар ўтказилиши анъанага айланди. Бу маърифий жараёнларнинг қоқ марказида ҳамиша Ўзбекистон олимлари ва ижодкорлари туради. Улардан бири ўзбек илм-фанининг давримиздаги забардаст вакили, аждодлар маънавий мероси билимдони ва тарғиботчиси, таниқли шарқшунос Ашраф Аҳмедовдир. Ушбу мақолада унинг ҳаётидан бир воқеа тафсилоти тақдим этилмоқда.

Калит сўзлар: *Ашраф Аҳмедов, Коший, ашкал, Хоразм, ҳандаса, математика, муқабала, Муҳаммад ал-Хоразмий, таржима, қўлёзма, мадраса, Маъмун, академия.*

А. ЖУМАНАЗАРОВ

ПРЕЕМНИК ГИЯСИДДИНА ДЖАМШИДА КОШИ

Все народы на земле надеются занять высокое и гордое место в мировой культуре. В этом плане туранцам очень повезло. Сегодня семьи, Интернет, телевидение и страницы массовой прессы рассказывают о наших научных и творческих предках, внесших большой вклад в развитие мировой науки и культуры в различных областях науки, таких как Мухаммад ибн Муса аль-Хорезми, Абу Райхан Беруни, Ибн Сина, Мирза Улугбек, Коши. Стало традицией проводить на национальном и международном уровне научные конференции, посвященные изучению их жизни и духовного наследия.

В центре этих образовательных процессов всегда находятся ученые и творческие люди Узбекистана. Один из них – Ашраф Ахмедов – видный представитель узбекской науки нашего времени, знаток и пропагандист духовного наследия предков, известный востоковед. В этой статье представлена история из его жизни.

Ключевые слова: *Ашраф Ахмедов, Коши, ашкал, Хорезм, хандаса, математика, мукабала, Мухаммад аль-Хорезми, перевод, рукопись, медресе, Маъмун, академия.*

A. JUMANAZAROV

SUCCESSOR OF GHIYASIDDIN JAMSHID KOSHI

All peoples of the earth hope to hold a high and honorable place in world culture. In this regard, the people of Turan are very lucky. Today, families, on the Internet, on television and in the mass press every day talk about our ancestors, such as Muhammad al-Khwarizmi, Abu Rayhan Biruni, Ibn Sina, Mirzo Ulugbek, Koshi, who made a huge contribution to the development of world science and culture in various fields of science. It has become a tradition to hold scientific conferences in the country and around the world dedicated to the study of their lives and spiritual heritage. Scientists and creators of Uzbekistan have always been at the heart of these educational processes. One of them is the outstanding representative of Uzbek science of our time, a connoisseur and propagandist of the spiritual heritage of ancestors, renowned orientalist Ashraf Akhmedov. This article presents an episode from her life.

Key words: *Ashraf Akhmedov, Koshi, Ashkal, Khorezm, geometry, mathematics, muqabala, Muhammad al-Khwarizmi, translation, manuscript, madrasah, Mamun, academy.*